

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ Ph.D.02/30.12.2019.В.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КУТЛЫМУРАТОВА ГУЛПАРШЫН АТАМУРАТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА БИОЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2021

УДК: 595.3 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|--|----|
| Кутлымуратова Гулпаршын Атамуратовна Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари..... | 3 |
| Кутлымуратова Гулпаршын Атамуратовна Биоэкологические особенности и интродукция перспективных лекарственных растений в условиях Каракалпакстана..... | 19 |
| Kutlimuratova Gulparshin Atamuratovna Bioecological features and introduction of promising medicinal plants in the conditions of Karakalpakstan..... | 35 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 39 |

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ Ph.D.02/30.12.2019.B.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

КУТЛИМУРАТОВА ГУЛПАРШЫН АТАМУРАТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА БИОЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияни мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/В374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тухтаев Бобоқул Ёркулович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
биология фанлари доктори, профессор
Матжанова Холида Казакбаевна
биология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.12.2019.В.79.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил 20-04 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали. Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли баённомаси)



Алиббетов Нагмет Қаллиевич
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
и. ф. д., академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б. ф. ф. д. (PhD)

Глеумуратова Бибигуль Сариева
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
Қошидаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида инсон саломатлигига хавф соладиган касаллик турларининг ортиб бориши ўсимлик хом ашёлари асосида олинadиган табиий препаратларга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга ошишига олиб келиб, қимматбаҳо доривор ўсимликларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш ва доривор ўсимликларни интродукция қилиш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кўпгина доривор ўсимликлар хом ашёларининг етишмаслиги истиқболли доривор ўсимлик турларни танлаш ва уларни етиштиришнинг мос агротехник тадбирларини ишлаб чиқишда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, минтақанинг кескин континентал шароитларига мос келувчи доривор ўсимлик турларини кўпайтириш масалалари алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Дунёда табиий доривор препаратлар олинadиган ўсимлик ресурслари ҳолатини баҳолаш ва улар тарқалган истиқболли ҳудудларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб жумладан, замонавий тиббиёт ва халқ таъбаотида қўлланиладиган ўсимлик турларини инвентаризациялаш, қимматбаҳо ва фармацевтикада эҳтиёж юқори турлари асосида доривор препаратлар яратиш, истиқболли турларини мос агроиклим ҳудудларида етиштириш тадбирлари ишлаб чиқишга бағишланган кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, турли тупроқ-иклим шароитларида алкалоид сақловчи интродуцент доривор ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, уларни истиқболлилик даражасини баҳолашда самарали усуллардан фойдаланиш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикамизда илмий тиббиёт ва халқ таъбаотида фойдаланиладиган доривор ўсимлик турларини баҳолаш ва маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида табиий дори воситалари ишлаб чиқариш, маҳаллий фармацевтика тармоқларида кенг фойдаланиладиган доривор ўсимликларни аниқлашга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу эса Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш, интродукциясини амалга ошириш ва етиштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш янада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг - V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқлаштирилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада амалга оширилган илмий изланишлар ва тажрибалар асосида ҳудудларда янги ўсимликлар турларини кўпайтириш, уларнинг экологик ҳолатини баҳолаш, доривор ўсимликларни интродукция қилиш назариясини тарғиб қилиш ва амалга ошириш борасида кенг қўламдаги тадқиқот ишлари Ф.Н.Русанов, Ю.Мурдахоев, Б.Ё.Тўхтаев, И.Дудкин, Т.Отенов, И.А.Гроховатский, И.В.Белополов, доривор ўсимликлар экологияси ва тарқалиши ҳақидаги кизикарли маълумотларни Б.Н.Сагитов, А.Бахиев, С.Ережеев, С.Д.Даўлетмуратов, ўсимликларнинг кимёвий таркибидаги алкалоидлар ва уларнинг хоссалари ҳақида кўплаб маълумотларни А.С.Садыков, А.А.Садыков, С.Ю.Юнусов, Б.Х.Жарекеев, Ж.Курбанов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Г.И.Сухомирова ва А.Б.Бардаль, Ў.Петерс, Е.Ламберт, Ҳ.Ҳейвод А.Мулдашев, А.Тихонова, В.Прохоров, Л.Буданцев каби олимлар томонидан назарий ва амалий муаммоларга бағишланган кенг қўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш, доривор ўсимликлар ресурсларини сақлашда кўп поғонали тежаб ишлатиш стратегияси, плантация ташкил этиш ва ундан доривор хом ашёсин олиш масалалари буйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлардан Г.И.Сухомирова, А.Б.Бардаль И.Коропачинский каби олимлар томонидан табиатда ёввойи ва доривор ўсимликлар асосий турларининг тарқалиши ва ҳосилдорлиги, экология ва биологияси, шунингдек фенологияси М.Данилов, М.В.Клюкка, О.Юдина, Е.Скрябина, А.Сенниковалар ўсимликлар ҳосилдорлиги ва захираларини аниқлаш методикаси ўрганилган.

Бироқ ҳар бир ҳудуддаги доривор ўсимликлар ўзига хос биоэкологик хусусиятларга эга бўлиб, Қорақалпоғистон шароитида тўлиқ тадқиқ этилмаган. Бу эса, доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш юзасида илмий-тадқиқот олиб

боришни тақоза этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ Табиий фанлар илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф1-Г004 «Барқарор гидрорежим ва иқлим ўзгариши шароитида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотаси трансформациясининг динамикасини комплекс тадқиқ қилиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида интродукция қилинган доривор ўсимликларни аниқлаш;

интродуцент ўсимликларни ер устки органларининг ўсиш динамикасини ва морфологик кўрсаткичларини баҳолаш;

ўсимликларни ўсиш даври ритмлари ва ривожланиши онтогенез босқичларини таҳлил қилиш;

ўсимликларнинг ўсиш жойига боғлиқ ҳолда генератив давридаги биоэкологик хусусиятларини аниқлаш;

алкалоид сақловчи доривор ўсимликларнинг интродукция шароитида ўсиш ва ривожланиш учун қўлланиладиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти алкалоид сақловчи истиқболли доривор ўсимликлар – Оддий белладонна (*Atropa belladonna*L.) ва Оқ қундуз (*Echinops ritro*L.) турлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети интродуцент турларни ўсиш ва ривожланиши, интродуцент баҳолаш, етиштириш агротехникаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида биологик, экологик, ботаник ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида *Atropa belladonna* ва *Echinops ritro* ўсимликларининг онтогенез даврларида морфологик ва биоэкологик хусусиятлари, ўсиши ва ривожланиши аниқланган;

интродуцент алкалоид сақловчи доривор ўсимликлар - Оддий белладонна *Atropa belladonna* L., Оқ қундуз - *Echinops ritro* L. ўсимликларни Қорақалпоғистоннинг экологик шароитида интродукция қилиш мавжудлиги аниқланган;

турли хил экологик шароитларда ўсимликлар гулларининг кунлик ва мавсумий гуллаш динамикаси асосида уруғларнинг потенциал ва ҳақиқий маҳсулдорлиги аниқланган;

Қорақалпоғистон шароитида алкалоид сақловчи доривор ўсимликларнинг интродукция шароитида ўсиш ва ривожланиш учун агротехник тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:
Қорақалпоғистоннинг тупроқ-иқлим шароитида *Atropa belladonna* ва *Echinops ritro* лар интродукцион баҳоланган;
турларни истиқболлилик даражаси асосида уларни ҳудудлар кесимида жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;
Atropa belladonna ва *Echinops ritro* ларни етиштиришнинг агротехник тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Қорақалпоғистон экологик шароитида алкалоид сақловчи истиқболли доривор ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлашда замонавий услубларни қўлланилганлиги, олинган натижаларни етакчи илмий босмаларда чоп этилганлиги, давлат амалий ва фундаментал лойиҳаларини бажаришда илмий ҳамжамиятлик томонидан тан олинганлиги, диссертациянинг илмий натижаларининг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ва уларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар асосида турли экологик шароитларида илк мартаба интродуцент ўсимликлардан оддий белладонна ва оқ кундуз ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши хусусиятларини аниқланганлиги, интродукцион баҳоланганлиги, маҳсулдорлигини баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти, олинган натижаларни шўрланган ва бошқа экстремал-иқлим шароитларида ихтисослашган хўжаликлар томонидан доривор ўсимликлар етиштириш амалий фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистоннинг тупроқ-иқлим шароитида *Atropa belladonna* ва *Echinops ritro* ларни етиштиришнинг агротехник тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги “Борили ой” фермер хўжалиги экин далаларига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020-йил 2-июндаги №04/019-1299-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликлардан 1 га плантациялар ташкил этиш ва сифатли хом ашё олиш имконини берган;

Atropa belladonna ва *Echinops ritro* ларнинг интродукцион баҳолаш ва истиқболлилик даражаси бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг Эллиққалъа ва Кегейли туманлари бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 194-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқ шўрланишига чидамли истиқболли доривор ўсимликларни аниқлаш ва уларни етиштириш имконини берган.

Atropa belladonna ва *Echinops ritro* ларни истиқболлилик даражаси асосида турларни ҳудудлар бўйича жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган

тавсиялар Қорақалпоғистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020-йил 22-майдаги №02/18-12-1065-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликларни мос тупроқ шўрланиши ва иқлим шароитларига жойлаштириш ҳамда алкалоид сақловчи турлар учун истиқболли ҳудудларни аниқлаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, ҳулоа 123 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш масалалари очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи**» деб номланган биринчи бобида энг аввало Оддий белладонна, Оқ кундузларни интродукция қилиш, экологик шароитида ўсиши, биоэкологик хусусиятларини ўрганишга оид илмий адабиётлар чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Бу муаммони ҳар тамонлама ўрганиш ўта долзарб ҳисобланади, чунки Қорақалпоғистон шароитида алкалоид сақловчи истиқболли доривор ўсимликлар интродукция қилинмаган.

Ушбу бобда, Қорақалпоғистон ҳудудида олиб борилган ботаник тадқиқотлар Б.Н.Сагитов, В.В.Седов (1967), Б.Шербаев (1988) ишларида ёритилган. Доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ҳақида Г.В.Лазурьевский, А.С.Садыков (1939), А.А.Садыков (1956), С.Ю.Юнусов (1974), Б.Х.Жареев (1974), Ж.Курбанов ва бошқалар (1975), ўсимликлар таркибидаги алколондлар ва уларнинг хоссалари ҳақида кўп маълумотлар берганлар. Бу ўсимликларнинг экологияси ва тарқалиши ҳақидаги мантиқли маълумотларни А.Бахиев (1999), С.Ережепов (1971, 1978), С.Д.Даўлетмуратов (1991) мақолаларида ўқиш мумкин.

Интродукция қилинаётган доривор ўсимликларнинг биологик

хусусиятларини ўрганиш, уларнинг турли шароитларга мослашув йўлларини излаш, турли даражадаги таксонлар структурасидаги филогенетик ўзгаришларни билиш алоҳида долзарб масала. Ундан ташқари биохимия-хилликка таҳдид ошиб бориши шароитида интродукция қилинаётган ўсимликлар ҳақидаги материалларни кўпроқ тўплаш керак. Бундай маълумотларни таҳлил қилиш интродукция жараёнида интродуцент ўсимликларни баҳолаш ва уларнинг истиқболли эканлигини аниқлаш имкониятларини кенгайтиради.

Диссертациянинг «Илмий тадқиқотнинг объектлари ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида ўтказилган тадқиқотларнинг объектлари ва усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Маданий ҳолда экиб қўлайтириш фармацевтика саноатида керак бўлган ўсимликларнинг табиий захираларини ва генетик хилмаҳиллигини сақлаш учун имконият яратди. Лекин ўсимликларни маданийлаштиришдан олдин уларнинг ўсиш ва ривожланишини, турли шароитдан келтирилган популяцияларнинг биологик махсулдорлигини, хомашёнинг сифатини янги шароитда қиёсий ўрганиш зарур.

2011-2019 йилларда Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа ва Кегейли туманларидаги тажриба участкаларида тадқиқот объекти сифатида алкалоид сақловчи ўсимликлар Оддий белладонна-Красавка (*Atropa belladonna L.*) ва Оқ қундуз-Мордовник (*Echinops ritro L.*) танланди ва интродукция қилиш бошланди.

1-жадвал

Тадқиқ қилинаётган ўсимликларнинг қисқача тавсифи.

| Ўсимликларнинг турлари | Оддий белладонна-Белладонна красавка (<i>Atropa belladonna L.</i>) | Оқ қундуз-Мордовник белый- (<i>Echinops ritro L.</i>) |
|------------------------|---|---|
| Расм |  |  |
| Яшаш шакли | Кўп йиллик ўтчил ўсимликлар | |
| Ўсимликнинг бўйи | 1,5-2 м | 120-150 см |
| Гуллаш вақти | Май-август | Июль-август |
| Гулнинг ранги | қўнгиртоб-бинафша ёки қир қирмиз | қўк-бинафша, бинафша |

Илмий тадқиқотлар учун танланган ўсимликлар кимёвий таркиби жиҳатидан алкалоид сақловчи хусусиятга эга бўлиб, ЎзР ФА си Ботаника

институтининг Ф.Н.Русанов номидаги Ботаника боғи Доривор ўсимликлар интродукцияси лабораториясининг доривор ўсимликлар коллекциясидан уруғ ва кўчат ҳолида интродукция жойига кўчирилган.

Тадқиқотлар ўтказиш жойи Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳрида жойлашган А.Темур номидаги Ботаника боғи ва Кегейли туманидаги “Борили ой” фермер хўжаликлари бўлган. Тадқиқотлар 2011-2019 (тўлиқ) йилларда олиб борилган.

В.Н.Сукачев, Т.А.Работнов, А.А.Уранов, А.С. Исаев, Х.Т.А.Трас ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган умумий экология ва фитоценологиянинг фундаментал асослари диссертацион ишнинг услубий асоси сифатида хизмат қилган. Турларнинг эколого-ценотик хосликларини ўрганишда ценоареал (Куваев, 1965), ценокомплекс (Пименова, 1971), ценопопуляция (Ценопопуляция растений, 1976, 1977), эколог (Раменский, 1938; Ellenberg, 1958, 1980 ва б.) лар ҳақидаги концепциялари диссертациянинг услубий асоси бўлган. Н.А.Некратова ва Н.Ф.Некратов (2005) ларнинг ҳам баъзи усулларида фойдаланганмиз. Экоценотик, махсулдорлик ва ресурсларни ўрганишда қабул қилинган усуллардан фойдаланганмиз.

Интродуцентларни экишдан кейинги ҳолати, уруғларнинг унувчанлиги, сақланиши ҳамда кўчатларнинг кўкарувчанлиги, сақланиши ва ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, ҳосилдорлик, тупроқ ва иқлимнинг интродуцентга таъсири каби параметрлар натижалари жамланди ва Б.Ё.Тўхтаев (2009) томонидан таклиф қилинган ўсимликларни интродукцион баҳолаш 100 балли шкаласи асосида истиқболлик даражаси баҳоланди.

Диссертациянинг «Оддий белладонна (*Atropa belladonna L.*) ва Оқ қундузнинг (*Echinops ritro L.*) қўлайтириш усуллари ва агротехникаси» деб номланган учинчи бобида илмий тадқиқотларнинг асосий натижалари келтирилган.

Оддий белладонна уруғларини экиш нормасини аниқлаш ва энг оптимал вариантларни тавсия қилиш бўйича амалга оширган тажрибаларнинг натижалари бўйича қайд этилган бўлса, уруғларни униши ва ниҳоллар пайдо бўлиши экилган уруғлар сонига мутаносиб эканлиги аниқ бўлди. Вегетациянинг иккинчи йили ўсимликларда вегетация бошланиши (баҳорда қайта ўсиб чиқиши) апрель ойининг охири – май ойининг бошига ва кунлик хароратнинг 8-10 даражадан ўтиш даврига тўғри келди. Оддий белладоннанинг бир гектарга 5-6 кг уруғ экиш нормаси оптимал ҳосилдорликни таъминлайди. Илмий тадқиқотлар натижаларига қўра, 8-10 кг/га экиш нормасида ўсимликларнинг анча зич жойлашганлиги, майдондаги кўп ўсимликлар генератив фазага киришининг кечикиши ва ўсимлик туллариининг бир бирига ўсиш жараёнида халақит бериши кузатилди. Кузатувларимизга қўра, оддий белладонна ўсимликлари ривожланиш фазаларига барча вариантларда бир муддатда ва вақтда кирганлиги қайд этилади (жадвал 2). Шундай қилиб оддий белладоннанинг ҳар хил вақтда

терилган уруғлари ҳар хил сифатга эга бўлади. Оддий белладонна мевалар, уруғлар ва уларнинг фракциялари комбинациясини ҳосил қилади. Уларнинг хилма-хиллигини ўрганиш учун биз бешта алоҳида ўсимликлардан бештадан мевани йиғиб, уларни қуйидаги фракцияларга бўлдик: диаметри кичик – 0,9-1,2 ўрта-1,3-1,6 ва катта – 1.7-2.0 см.

2-жадвал

Оддий белладонна ўсимлиги мева ва уруғларнинг пишиб етиш даврида муддатларга кўра, ҳосил миқдори (2011- 2019 йй.)

| Йиғиш муддати (сана) | Ҳўл меваларнинг массаси, г. | Уруғлар сони | | | |
|----------------------|-----------------------------|--------------|-----------|--------------|-----------|
| | | 1 ўсимликдан | 1 мевадан | 1 ўсимликдан | 1 мевадан |
| Биринчи (27.07) | 48,7±2,1 | 0,50±0,02 | 4,13±0,20 | 0,26±0,03 | 186±5,23 |
| Иккинчи (03.08) | 87,6±4,2 | 0,44±0,02 | 7,44±0,24 | 0,24±0,03 | 169±6,44 |
| Учинчи (10.08) | 101,0±4,9 | 0,39±0,01 | 9,11±0,37 | 0,21±0,02 | 155±5,22 |
| Тўртинчи (17.08) | 83,5±4,3 | 0,36±0,02 | 7,90±0,27 | 0,20±0,01 | 137±5,10 |

Сўнг уруғлар ҳар бир фракция меваларидан ажратиб олинди, уларнинг оғирлик бирлигига тўғри келадиган уруғ массаси ва уруғ маҳсулдорлиги элементлари аниқланди.

Ҳосилнинг умумий массасида майда мевалар 19, ўртача мевалар 45 ва катта мевалар 36% ни ташкил қилгани аниқланди. Катта мевали фракциянинг уруғларидан ўстирилган биринчи авлод белладонна ўсимликлари онтогенезнинг дастлабки босқичларида жадал ўсди ва кичик фракцияга нисбатан 15% юқори фитомасса ҳосил қилиши аниқланди. Шундай қилиб, оддий белладоннанинг йирик меваларидан энг юқори сифатли уруғлик материали олинади, бу эса ўз навбатида хом ашё ва уруғликнинг юқори ҳосилдорлигини таъминлайди.

Оқ қундузнинг илдизлари жуда чуқур кириб боради, шунинг учун куз мавсумидаги шудгорни 27-30 см чуқурликда ўтказиш талаб этилади. Эрта баҳорда ўсимликнинг экиш ёки кўчатдан ўтказилса, намлик захирасига эга бўлган тупроқ ўсимликни қурғоқчил давргача таъминлайди, ўсимликнинг жадал ўсиши ва ривожланиши учун замин яратади. Бизнинг тажрибаларимиз натижаларига кўра, оқ қундуз экишнинг биринчи йилида алоҳида қамровларни талаб қилмайди, ушбу йилда майдонда фақат бегона ўтларни вақти-вақти билан тозалаш қатъий талаб қилинади.

Диссертациянинг «*Atropa belladonna* - Оддий белладоннава *Echinops ritro* -оқ қундузнинг Қорақалпоғистон шароитидаги интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида илмий тадқиқотларнинг асосий натижалари келтирилган. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ҳаво ва тупроқ намлигини аҳамияти жуда катта.

Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа ва Кереيلي туманлари (2011-2019 йилларда) тупроқ ва клим шароитида олиб борилган илмий тадқиқотларда интродукция қилинган оддий белладонна - (*Atropa belladonna*) онтогенезида – генератив босқичда гуллаш ритмлари ўрганилган.

3-жадвал

Интродуцент оддий белладонна ўсиш ва ривожланишининг турли фазаларида морфобиологик кўрсаткичлари

| Тўроқ ва клим шароит | Вегетация йиллари | Морфобиологик кўрсаткичлари | | | | |
|----------------------|-------------------|-----------------------------|------------------------|----------------------------|-----------|-------------------|
| | | Тупроқ ҳарорати, °С | Ўсимлик баландлиги, см | Гул бандининг узунлиги, см | Барг сони | Барг узунлиги, см |
| Кереيلي | 2011 | 3-5 | 5,58±0,18 | 1,9±0,03 | 6,8±0,37 | 3,52±0,17 |
| | 2012 | 3-6 | 5,66±0,14 | 1,92±0,04 | 7,2±0,37 | 3,62±0,12 |
| | 2013 | 3-5 | 5,58±0,18 | 1,9±0,03 | 6,8±0,37 | 3,52±0,17 |
| Эллиққалъа | 2011 | 3-6 | 6,18±0,44 | 1,94±0,44 | 7,2±0,37 | 4,44±0,23 |
| | 2012 | 3-7 | 6,44±0,33 | 1,96±0,02 | 7,4±0,51 | 4,6±0,17 |
| | 2013 | 3-7 | 6,44±0,33 | 1,96±0,02 | 7,4±0,51 | 4,6±0,17 |

Соя шароити (экспозицияси)даги ўсимликлар, вегетация йилларида генератив даврга кириши қуёш шароитидаги ўсимликларга нисбатан кечроқ бошланиши ва улардаги гунчалар ҳамда гулларнинг камроклиги билан фарқланди. Соя шароитидаги ўсимликларнинг ялли гуллаш даврида жами очилган гуллар сони 7 донга бўлиб, кун давомида бир соат ичида битта ўсимликда бир вақтнинг ўзида 2 ёки 3 та гулнинг очилиши кузатилмади.

Қуёш шароитида ўсимликнинг якуний гуллаш даврини (10.X) кузатганимизда, кузда об-ҳавонинг пасайиши, очилган гулларнинг камайишига олиб келади. Оддий белладонна одатда иккинчи йил гуллайди. Қорақалпоғистон шароитида интродукция қилганимизда биринчи йил гуллади. Ўсимликларнинг зичлиги ва фенофазаларнинг бошланиши кўп жиҳатдан экиш вақтига боғлиқ. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мавсумий гуллашда ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги сабабли, вегетациясининг дастлабки йилида гуллаш кеч бошланди ва вегетациясининг иккинчи, учинчи йилларида гуллаш даврининг эрта бошланиши ҳамда вегетация охиригача давом этиши аниқланди. Демак, ўсимликнинг ёшига ва об-ҳавонинг қандай келишига қараб фазаларининг бошланиши ўзгариб туради.



1-расм. Оддий белладоннанинг гуллаши (*Atropa belladonna*)

Оқ қундуз - кўёш севар, қурғоқчиликка чидамли ва беор ўсимлик, ҳар қандай тупроқда ўсади, унумдор тупроқларда бақувват поялар шакллантиради ва кўп уруғ беради. У тупроқдаги сув турғунлигига чидамайди. Бу эса илдишларни чиришига олиб келади. Биринчи йилда тўп барг шакллантиради. Пояси битта ёки тепасида кам шоҳли думалок, майда тукли. Барглари навбатли, чуқур кесилган узунлиги 6-20 см, юқорида тўқ яшил, остида оч тукли, гуллари найчали, мовий, йирик тўп гулларга йиғилган, диаметри 3,5-4,5 см бўлган, шарсимон меваси цилиндр шаклида узунлиги 6 мм коса симон гултоғга эга.




2-расм. Оқ қундузнинг гуллаши (*Echinops ritro*)

Ялли гуллаш даври узоқроқ давом этиб, июль ойидан сентябрь ўрталаригача ва якуний гуллаш октябрь бошларигача давом этиши аниқланди. Июль ойининг ўрталаридан ялли гуллаш даврига ва октябрнинг биринчи декадасидан гуллаш фазасининг якуний даврига ўта бошлади. Кузатишларимизга кўра, ўсимликда гуллаш тартиби қўйидагича содир бўлади. Қорақалпоғистон шаронтида ниҳоллар униб чиқишидан биринчи мевалар пишгунига қадар 120-130 кун керак бўлади. Фенологик ривожланиш фазалари турнинг биологик хусусиятларига, иқлим шаронти ва экиш вақтига боғлиқдир. Қиш мавсуми ва эрта баҳор экиш муддатлари уруғларни эрта ва

тез униб чиқишини ва кейинги фазаларнинг бошланиши кеч баҳорги муддатга нисбатан 5-10 кун аввалроқ бошланишини таъминлайди. Уруғлар эрта баҳорда экилганда тупроқда намлик етарли бўлади, ҳарорат ҳам кўтарилган бўлиб, уруғлар яхши унади.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, мавсумий гуллашда ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги сабабли, вегетациясининг дастлабки йилида гуллаш кеч бошланди ва вегетациянинг иккинчи, учинчи йилларида гуллаш даврининг эрта бошланиши ҳамда вегетация охиригача давом этиши аниқланди. Ўсимликларнинг ёшига ва об-ҳавонинг қандай келишига қараб, унинг фазаларининг бошланиши ўзгариб туради.

Оддий белладонна (*Atropa belladonna*) нинг ёшига боғлиқ ҳолатини аниқлаш учун биз аввал онтогенезнинг турли босқичларида алоҳида ўсимликларнинг морфологик белгиларини тўғридан тўғри табиий шароитларда боғлаган ҳолда ўргангандик. Т.А.Работнов ва А.А.Урановнинг (1967) таснифига кўра, оддий белладонна ҳаёт циклида биз қўйидаги ёш цикллари аниқладик: латент, виргинил ва генератив. Виргинил даврда имматур босқични ажратмадик, чунки бу тур гомобласт яшаш шаклига эга. Ўсимликларнинг ёш даврдаги спектрида вояга етмаган ўсимликлар устунлик қилди. Ниҳоллар улуши 45,0% ни ташкил этади (3-расм).




3-расм. Ёруғ (экспозиция) шаронтида оддий белладоннанинг вегетатив ёшига асосан спектрлари

Ювенил босқичда ўсимликлар 18,0% ни, виргинил босқичда эса 14,0% ташкил этган. Ёш генератив ўсимликларнинг улуши 16% бўлган, етук генератив ўсимликлар кам учраган, уларнинг улуши 2% дан ошмаган. Ёши ўтган генератив ўсимликлар бир яшар ўсимликлар орасида учрамаган. Оддий белладоннанинг тупроқдаги проекцион қопланмаси 60 дан 78% гача бўлган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар кўрсатдики оддий белладоннанинг репродуктив - ҳаёт стратегияси ўрганилаётган ҳудудларда доний равишда ўзгариб турадиган табиий шароитларга (ёруғлик градиентиди, нисбий намлик кўрсаткичларига) ва сунъий тартибда майдоннинг агротехник ҳолатига кўра кенг пластиклиги билан ажралиб туради.

Оқ кундуз (*Echinops ritro*)– кўп йиллик ўсимлик бўлиб, қалин ўқ илдизга ва бўйи 2 м га етадиган йўғон пояга эга. Патпарракли ёки патсимон кесилган барглрининг узунлиги 25 см ва эъни 6 см гача, чети тиканли ёки учи найзадек ўткир тиш шаклида, икки рангли, усти яшил, ости майда тукчалари туфайли кулранг.



4-Расм. Оқ кундузнинг уруғдан унувчанлиги

Интродукция қилинган ўсимликларнинг мослашиш жараёни ва натижаларини интродукцион баҳолаш, ўсимликлар ўсаётган интродукция шароити, ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг ҳаётий шаклига асосланиб шкалаларда балл билан баҳоланади ёки турли хил усуллар ёрдамида амалга оширилади.

4-жадвал

Шўр тупроқларда Оддий беладонна (*Atropa belladonna L.*) ва Оқ кундуз (*Echinops ritro L.*) интродукцияси натижаларини баҳолаш

| № | Турлар | Кўрсаткичлар | | | | | Умумий интродукцион баҳо, % |
|----------------------------|--------------------------|-------------------------|------------------------|--------------------------|--------|----------------------------------|-----------------------------|
| | | шўрланганга чидамчилиги | намликка бўлган талаби | юқори ҳароратга нисбатан | Сўлати | паст ҳароратга нисбатан ҳолати % | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| Ўртача шўрланган тупроқлар | | | | | | | |
| 1 | <i>Atropa belladonna</i> | 20 | 10 | 15 | 15 | 25 | 85 |
| 2 | <i>Echinops ritro</i> | 30 | 10 | 10 | 15 | 25 | 90 |

Б.Ё.Тўхтаев (2009) томонидан ишланган куйидаги шкала 5 кўрсаткичдан иборат бўлиб, уч даражага (кўп, ўртача, кам ёки паст) бўлинган. Айнан шу принципга асосланиб, Қорақалпоғистоннинг икки

16

хуудиди (Элликқалъа ва Кегейли туманлари) да олиб борган илмий тадқиқотларимизда, интродуцентлар – Оддий беладонна (*Atropa belladonna L.*) ва Оқ кундуз (*Echinops ritro L.*) ни интродукцион жиҳатдан баҳоладик (4 -жадвал). Интродукция қилинганда ўсимликлар деярли ҳамма вақт ўзлари учун ғайри оддий шароитларга тушиб қолади ва бутун онтогенез мобайнида уларга мослашишга мажбур бўладилар.

Тупроқ юзасининг ҳароратига келсак шуни таъкидлаш керакки, тупроқ юзасининг максимал ҳарорати ўрғаниш даврида (2011-2019 йиллар) майдан сентябрьгача бўлган даврга тўғри келди. Тупроқ юзаси ҳароратининг минимал кўрсаткичлари февраль ва декабрь ойларида (мос равишда -11 -7 даража) кузатилди.

Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида тупроқ юзаси ҳароратининг йиллик динамикасини ҳисобга олсак, максимал кўрсаткичлар ёзги даврда 68-71 гача, қишда эса -16 даражагача етди.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида 2011-2019 йиллари тупроқ юзаси ҳароратининг таҳлил қилинганда максимал кўрсаткичлар қишда (февраль) -10, ёзда (июль-август) 58 даражагача етди.

Элликқалъа тумани хуудидидаги тупроқ сатхи ҳароратининг минимал кўрсаткичлари қишда -15 дан -33 даражагача музлашни кўрсатди. Бу биз Қорақалпоғистонда кузатган даврдаги энг экстремал кўрсаткич бўлди.

Интродукция қилинганда ўсимликлар деярли ҳамма вақт ўзлари учун ғайри оддий шароитларга тушиб қолади ва бутун онтогенез мобайнида уларга мослашишга мажбур бўладилар.

Интродуцентларнинг биологик имкониятлари ва маданийлаштириш ерининг экологик шароитларидаги жиддий тафовутлар учун ҳаётий ресурсларидан тараф ҳолатда фойдаланишни талаб қилади, бу эса ўсимликларнинг қариш жараёнини тезлаштиради. Ўсимликларнинг ўсиши турларнинг биологик хусусиятларини акс эттирган, уларнинг тизимини боғлиқлиги, келиб чиқиши, систематик алоқадорлиги, эволюция тарихи ва экиш жойининг иқлим шароитлари туфайли, мослашув учун жуда ишончли мезондир.

«Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон шароитида адаптация қилган интродуцентлар, ўсиш даврининг қисқариши ва ўсиш суръатларининг жадал бўлиши билан фарқланади. Бундай шароитда куртаклар ўсиш даврининг асосий чекловчи омил – юқори ҳарорат ва паст намлик эканлиги билан изоҳланади.
2. Қорақалпоғистон шароитида кўчатлар пайдо бўлишидан бошлаб, вегетация биринчи йилида *Atropa belladonna* меваларининг дастлабки пишиб етишигача 148-155 кун талаб қилинади. Фенологик ривожланиш фазалари

17

Ўсимликнинг биологик хусусиятлари, иқлим шароити ва экиш вақтига боғлиқдир.

3. *Atropa belladonna* ҳаётининг биринчи йилида уруғланишдан мева пишишигача қадар бўлган даврнинг давомийлиги 109-121 кунни ташкил қилди, иккинчисидан 77 кундан 85 кунгача бўлиб, бу иссиқликни сезувчи ўсимликларнинг ҳудудлараро имкониятлари билан изоҳланади.

4. Қорақалпоғистоннинг турли шароитларида *Atropa belladonna* ва *Echinops ritro* ларнинг потенциал ва ҳақиқий уруғ маҳсулдорликларида деярли катта фарқлар сезилмайди ва маҳсулдорликнинг энг юқори коэффицентини куёш шароитида кузатилади.

5. *Atropa belladonna* нинг мослашувчанлиги нисбатан юқори бўлиб, ўсимлик маҳаллий иқлим шароитларига юқори даражада қаршилиқ кўрсатади, жуда кўп гуллайди, мева беради ва вегетатив кўпайиши кузатилади.

6. Ўсимлик (*Echinops ritro*) кўп йиллик бўлганлиги сабабли, вегетациясининг дастлабки йилида гуллашикеч бошланади ва вегетациянинг иккинчи, учинчи йилларида гуллаш даврининг эрта бошланиши кузатилади ҳамда вегетациясининг охиригача давом этади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД.02/30.12.2019.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК
КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

КУТЛЫМУРАТОВА ГУЛПАРШЫН АТАМУРАТОВНА

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ИНТРОДУКЦИЯ
ПЕРСПЕКТИВНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ В УСЛОВИЯХ
КАРАКАЛПАКСТАНА

03.00.10 – Экология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3.PhD/В374

Диссертация выполнена в Каракалпакском НИИ естественных наук ККО АН РУз.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель: Тухтаев Бобокул Ёркулевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Шеримбетов Санжар Гулмирзович
доктор биологических наук, профессор
Матжанова Холида Казакбаевна
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» 04 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.02/30.12.2019.В.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: « » 2021 г.
(реестр протокола рассылки № « » от « » 2021).



Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, Академик, д.э.н

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD б.ф.

Глеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире рост опасных для здоровья человека видов заболеваний, приводящее к ежегодному повышению спроса на натуральные препараты на основе растительного сырья, сохранение биоразнообразия ценных лекарственных растений и усовершенствование процессов интродукции лекарственных растений уделяется особое внимание. В особенности, нехватка растительного сырья для многих лекарственных растений, подбор перспективных лекарственных и разработка соответствующих агротехнических мероприятий по их выращиванию для развития региональной фармацевтической промышленности занимает важное место. В связи с этим вопросы разведения видов лекарственных растений, приспособленных к резко континентальным условиям региона имеют особую актуальность.

В мире особое внимание уделяется оценке состояния растительных ресурсов, из которых получают натуральные лекарственные препараты и выявлению перспективных областей их распространения, в том числе проводятся широкомасштабные научные исследования по инвентаризации видов растений, используемых в современной и народной медицине, создания лекарственных препаратов на основе ценных и высоковостребованных в фармацевтике видов, разработка мероприятий по выращиванию перспективных видов в соответствующих агроклиматических зонах. В этом направлении выявления особенностей роста и развития алколюидосодержащих лекарственных растений интродуцентов в различных почвенно-климатических условиях, оценка степени перспективности и разработка эффективных методов их производства имеет наиболее важное значение.

В республике проводится ряд исследований по оценке видов лекарственных растений, используемых в научной и народной медицине, созданию натуральных лекарственных средств на основе местного растительного сырья, определению лекарственных растений, широко используемых в отраслях местной фармацевтики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи «...по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами»². Это определение биозоологических особенностей перспективных лекарственных растений в условиях Каракалпакстана, введение интродукции в практику и разработка агротехнических мероприятий еще раз указывает на более важное значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»/Сборник законодательных документов Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, 70-статья.

Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПФ-5032 от 3 мая 2017 года «О создании свободных экономических зон «Нукус-фарм», «Заамин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сырдарья-фарм», «Бойсун-фарм», «Бостанлык-фарм» и «Паркент-фарм», в Постановлениях ПФ-5229 от 7 ноября 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» и ПП-2911 от 20 апреля 2017 г. «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности в Республике» и других нормативных правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики -V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

